



Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** 21 май кунини видеоанжуман шаклида ўтган **Олий Евроосиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этди.**

Жорий йилнинг 19-20 май кунлари **Транспорт вазирлигида БАА авиация маъмурияти вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.**

«Иссиқлик электр станциялари» АЖ матбуот хизматида кўра, шу кунларда «Иссиқлик электр станциялари» АЖ ва Қирғизистоннинг «Электр станциялари» ОАЖ ўртасида **ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида меморандум ҳамда «Йўл харитаси» имзоланди.**

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири **Нозим Хусанов** Корея Республикасининг мамлакатимиздаги элчиси **Кан Чже Квон билан учрашди.**

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали ва «Mustafa SOFTWARE» МЧЖ ҳамкорлигида **«The Best Developer & Cyber defender» танлови бўлиб ўтди.**

Миллий матбуот марказида **«Ўзбекистонда Паралимпия спорти истиқболлари»** мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Тошкент вилояти Паркент туманидаги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Материалшунослик институтида **«Янги материаллар ва геотехнологиялар» мавзусида халқаро илмий конференция** бошланди.

Нукусда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари кўмитасининг **Қорақалпоғистон Республикасида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**

Адиблар хиббонида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ҳамкор ташкилотлар билан бирга ўтказилган адабиёт байрами ҳафталиги доирасида **«Илҳом» мукофоти танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Бельгиядаги «ATUNIS GALAXY POETRY» («Атунис самовий шеърини») халқаро адабий журналида Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг «Онам» шеъри «Му tumtum» номи билан инглиз тилида чоп этилди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

Хоразм вилояти

Ишчи гуруҳ фаолияти

Қашқадарё вилояти

Фахр

АРДОҚҚА МУНОСИБ АЁЛЛАР



Шухрат Собиров бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан таништирди.

Сихатгоҳга ташриф буюрганлар нафақат тиббий муолажалар олишади, балки мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам имкониятлар яратилган. Нонушта ва муолажалардан сўнг жаҳон ва ўзбек адабиётининг нодир намуналарини мужассам этган кутубхонада мутулаа завқларини туйишлари, теннис ўйнаб ёшликка қайтишлари, шахмат баҳсларида қатнашиб ақл гимнастикаси билан шуғулланишлари мумкин. Кечки салқинда сихатгоҳ ҳовлисида санъаткорлар, бахшилар, ҳаваскорлар иштирокидаги концерт дастурлари кўнгилларга хушнудлик бағишлайди.

Санаторийда кечадиган ҳар бир кун аёллар қалбида бир умрга муҳрланиши шубҳасиз.

Муҳаббат Тўрабоева,
«ISHONCH»

«Аёллар дафтари»га киритилган 30 нафар хоразмлик хотин-қиз Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси тизимидаги «Хонқа» санаторийсида соғломлаштирилмоқда.

Санаторийда аёллар Хоразм вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси мутасаддилари ва санаторий жамоаси томонидан тантанали кутиб олинди.

Хоразм вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Эргаш Юсупов бепул йўлланмаларни ўз эгаларига тақдим этар экан, бугун

мамлакатимизда хотин-қизларни ардоқлаш ва эъзозлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини таъкидлаб, вилоятда «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар ва уларнинг самаралари ҳақида гапириб берди. Санаторий бош шифокори



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНING ЮРИДИК КЛИНИКАСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН, ТУНУ КУН ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИГАН

1092 –

ҚИСҚА РАҚАМЛИ «ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИ – «Call-center»га

меҳнат муносабатлари бўйича ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан мурожаат йўллашингиз мумкин. Юридик клиника 14 та ҳудудий бирлашмада ҳам фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда барча фуқароларга бепул юридик хизмат кўрсатилади. Меҳнат муносабатлари, айниқса, мажбурий меҳнат билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг доимий этиборида!

Андижон вилояти

Мулоҳаза

НЕГА тахририятларда КАСАБА УЮШМАСИ йўқ?

Маълумки, касба уюшмаларининг вазифалари кейинги йилларда, айниқса, жиддий тўс олди. Аммо, афсуски, бугун Андижон вилоятидаги қатор тахририятларда касба уюшма қўмитаси мавжуд эмас.

Бундан бир неча йиллар муқаддам сихатгоҳга йўлланма олиш учун Андижон вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмасига мурожаат қилдим. Шунда «Агар тахририятингизда касба уюшмаси бўлсагина, йўлланма олишингиз мумкин», деган жавобни олдим-у, бу масала очик қолди. Чунки мен ишлаётган тахририятда касба уюшмаси йўқ эди.

Айни мавзу тахририятларда ҳамон очик қоляпти. Қизиғи, на Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги вилоят бўлими, на Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими бу масалага қизиқаётгани йўқ. У ёғини сўрасангиз, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги вилоят бўлими, Журналистлар уюшмаси вилоят бўлимининг ўзида ҳам

бирлашган касба уюшмаси мавжуд эмас. Яна ҳам қизиғи шуки, туман ва тармоқ нашрлари муҳаррирлари бу масалада асло бош қотиришни исташмаётгани ажабланарли. Нега? Чунки уларнинг қорни тўқ, усти бут. Ходимларга арзимаган маош тайинлаб, шуни ҳам ойлаб-йиллаб судрашади. Бундай вазиятда инсон манфаати ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, албатта. Минг афсуски, айни масала йиллар давомида очик қолмоқда ва муҳаррир, мутасаддиларга бир неча бор айтилганига қарамасдан, улар кўзларини кўр, кўлоғини кар қилиб келишмоқда. Тўғри-да, қорни тўқнинг қорни оч билан нима иши бор! Бу – бориб турган адолатсизлик.

Бугун инсон манфаати, унинг ҳаёт даражасини ошириш биринчи ўринга чиққан. Шундай экан, тармоқ ва туман тахририятларининг моддий-техник базасини тўздан яхшилаш керак. Кечиктирмасдан тахририятларда касба уюшмаси ташкилотини очиш, ходимларнинг ҳаёт сифати даражасини юксалтириш чорасини кўриш лозим.

Ана шунда ҳар бир инсон ҳаётини ва меҳнатидан рози бўлади, пенсияга чиққанида ҳам орқасида қўллайдиган ташкилот – касба уюшмаси борлигини ҳис қилиб, хотиржам меҳнат қилади.

Тўғрими? Нима дедингиз?
Икромжон АСЛИЙ,
журналист

Келгуси сонларда ўқинг...

Остонадаги учрашувлар

Будунгун сув омбори қурилиши: «**ҲАММАСИ ЯХШИ КЕТАЁТГАНИ**» **РОСТМИ?**

ёхуд миш-миш ва хавотирлар сабаби нимада?

Қалбимиз олдида юзимиз ёруғми?

Ўзбекистон касба уюшмалари федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

12-11

ҚИСҚА РАҚАМЛИ «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

Сўхбат



Мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан жорий йилда илк бор Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси мукофоти Лауреати» Республика кўрик-танлови ташкил этилмоқда. Халқ таълими тизимидаги педагогларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилаётган ишбу лойиҳада юртимиз бўйлаб мавжуд 10 мингдан ошиқ барча мактабда меҳнат қилаётган илғор устозлар иштирок этишлари мумкин. Айни пайтда танловнинг дастлабки босқичи ўз ниҳоясига етди. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси **Равшан БЕДИЛОВ билан сўхбатимиз мана шу жараён хусусида бўлди.**

«МАҚСАДИМИЗ – ИЛҒОР ПЕДАГОГЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ»

– **Равшан ака, танловдан кўзланган мақсад нима? Унда қайси фан ўқитувчилари иштирок этишлари мумкин?**

– Аввало, айтиб ўтишим керакки, ўқитувчининг жамиятдаги ўрнини юксалтириш, меҳнат шариоити ва турмуш тарзини яхшилашга Президентимиз Шавкат Мирзиёев алоҳида эътибор қаратмоқда. Касаба уюшмалари ҳам ана шундай эзгу ташаббусларга елкадош бўлишни мақсад қилган. «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси мукофоти Лауреати» Республика кўрик-танлови ҳам ана шундай лойиҳалардан биридир.

Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ўртасида имзоланган қўшма қарорга асосан, танловда таълим муассасаларининг математика, физика, кимё, биология, инглиз тили, информатика ва акборот технологиялари фанлари ўқитувчилари иштирок этиши белгиланган. Шу асосида танлов «Юксак натижага эришган математика фани ўқитувчиси», «Юксак натижага эришган физика фани ўқитувчиси», «Юксак натижага эришган кимё фани ўқитувчиси», «Юксак натижага эришган биология фани ўқитувчиси», «Юксак натижага эришган инглиз тили фани ўқитувчиси», «Юксак натижага эришган информатика ва акборот технологиялари фани ўқитувчиси» номинациялари бўйича алоҳида ташкил этилади.

Беллашувда иштирок этиш истиғини билдирган юқоридаги олти фан ўқитувчилари дарс бераётган фани бўйича олий маълумотга, камида 5 йил педагогик фаолиятга эга бўлиши ва дарс бераётган фани бўйича биринчи ёки олий малака тоифасига эга бўлиши лозим.

– **Кўрик-танлов босқичлари ва шартлари тўғрисида ҳам айтиб ўтсангиз?**

– Кўрик-танлов 2021 йил апрель – сентябрь ойларида, уч босқичда ўтказилади. Яъни **биринчи босқич** – 20 апрель – 20 май

кунлари давомида номзодлар **ustozfondi.uz** электрон платформаси орқали ўзлари тўғрисидаги зарур маълумотларни киритишди. Ўқитувчиларнинг танловда иштирок этиш истиқлоқларини учинчи бир шахслар аралашувисиз, ўзлари тўғрисидаги тақдим этиш томонидан уларнинг педагогик маҳорати улар томонидан ўтиб берилмайдиган дарслари орқали баҳолаш мезонига мувофиқ баҳоланади. Танлов комиссияси натижаларни умумлаштиради ва фанлар кесимида энг юқори балларни қўлга киритган олти фан бўйича 3 нафардан иштирокчиларни 1-, 2-, 3-ўрин соҳиблари деб таъинлади. Жами 18 нафар ғолиб аниқланади.

– **Ҳозирги кунга қадар танловда иштирок этиш учун қанча ўқитувчи ҳужжат топширди? Ғолибларни тақдирлаш масаласи қандай белгиланди?**

– Бугунги кунга қадар 5000 нафардан ортиқ ўқитувчи танловда иштирок этиш учун ҳужжатларини тақдим этди. Бунда, айниқса, математика ва инглиз тили бўйича рақобат жуда юқори даражада ўтмоқда. Биз бу йўналишларда ўз устидан ишловчи, илғор устозлар кўлигидан мамнун бўлдик. Ғолибларни тақдирлаш масаласига келсак, ҳар бир фан бўйича 1 нафардан, жами 6 нафар 1-ўрин соҳибларига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси мукофоти Лауреати» кўкрак нишон ва ўттиз миллион сўм, 6 нафар 2-ўрин соҳибларига йигирма миллион сўмдан, 6 нафар 3-ўрин соҳибларига ўн миллион сўмдан пул мукофотлари 2021 йил 11 ноябрь – Касаба уюшмалари кунини байрами муносабати билан ташкил этиладиган тадбирда тантанали топширилиши режалаштирилган.

Танлов узоқ йиллик самарали фаолияти натижасида иқтидорли ва истеъодли ёшларни тарбиялаётган ўқитувчиларни рағбатлантирибгина қолмай, касаба уюшмалари фаолиятидаги ўрни ва ролини оширишга ҳам хизмат қилади, деган умиддамиз.

Сўхбатдош:
Зебо НАМОЗОВА,
«ISHONCH»

Навоий вилояти

Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда Абдулла Қодирий номидаги Ахборот-кутубхона маркази ҳамкорлигида «Хотира – абадий, қадр – муқаддас!» мавзусида «Турон» маҳалласи фахрийлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбир

Учрашувда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан беғараз тақдим этилган «Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси» номли китобининг тақдими ҳам ўтказилди.

Тадбир сўнгидеки фахрийлар эсдалик совғалари билан тақдирланди. Вилоятдаги барча касаба уюшмасига аъзо корхона ва ташкилотларда «Хотира бор экан, миллат барҳаёт», «Этибор ва инсоний бурч» шиорлари остида маънавият ва маърифат соатлари, маданий-маърифий ва спорт тадбирлари, тарғибот акциялари, давра сўхбатлари ташкил этилди.

Дилафрўз ҲАМИДОВА,
Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг Ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси



Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши соҳада фаолият юритаётган меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимояси борасида ҳудудларда семинар-тренинглр, учрашувлар ташкил этмоқда.

Янги касаба уюшмалари – янгича дунёқараш

Жиззах вилоятида ўтказилган семинар-тренинг учун намуна сифатида «Жиззахдонмаҳсулотлари» АЖ танланди. Иштирокчилар дастлаб корхона касаба уюшма кўмитаси фаолияти билан танишди. «Жиззахдонмаҳсулотлари» АЖ касаба уюшма кўмитаси раиси ўринбосари Носир Икромов. – Кутубхона, спорт ва тиббиёт хонаси, 200 ўринли ош-

хона ишлаб турибди. Корхона ҳудудидаги бўш турган 7 сотихли ерга иссиқхона қурилган. Бу ерда етиштирилган поллиз экинлари корхона ошхонасини сифатли маҳсулот билан таъминламоқда. Ходимларга 2019-2020 йиллар давомида иш берувчи томонидан 360 миллион сўмлик махсус кийимлар олиб берилди. Уларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш учун 12 миллион сўмлик дори-дармон харид қилинди. Бундан ташқари, жамият ҳисобидан 40 миллион сўмлик

спорт анжумани ва 8 миллион 500 минг сўмлик спорт кийимлари олиб берилди. Куннинг иккинчи ярмида етмишдан ортиқ қишлоқ хўжалиги йўналишидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этган семинар-тренинг «Янги касаба уюшмалари – янгича дунёқараш» мавзусида давом этди. Сўхбат давомида иш берувчилар ходимлар меҳнатини тўғри ташкил қилиш, меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этиши зарурлиги ва касаба уюшмасига аъзолик афзалликлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир доирасида кенгашининг навбатдаги 3-Ижроия кўмитасининг йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Йиғилишда тўртта масала кўриб чиқилиб, қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ишлар ва тармок касаба уюшмаларининг келгусидаги янгича йўналишлари белгилаб олинди. Йиғилишда Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Рустам Холматов иштирок этди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»



Андижон вилояти

Кексаларнинг айтишича, қалдирғоч ин курган хонадонга бахт-саодат эшик қоқаркан. Қизиғи, уларнинг уя қуриш анъанаси ҳам ўзига хос. Ҳар тонг тумшукларида лой ва хас-хашак ташилади. Кунига 2-3 соатдан ортиқ ишлашмайди. Модаси ин ясаб билан банд бўлса, нари «қурилли аш»лари ташиш билан овера. Албатта, астойдил киришса, нари борса, икки-уч кунда инни битказиб қўйишаркан. Лекин лой қуриб, уя пишиқ-пухта бўлиши учун шоммасдан кутишиб, камида ўн кун сиз жойлашишмас экан.

Яқинда бир «илғор» қурувчи билан сўхбатлашиб қолдим. Унинг оғиз кўпиртириб мақтанишича, раҳбарнинг топшириғи билан 4-6 ойда битказилиши керак бўлган болалар боғчасини бир ярим ойда фойдаланишга топширибди. Қайтаётганимда қурилиш муҳандиси энгимдан тортиб, «яна бир ярим ойда битказишди, дея газетга ёзиб юрманг», дея тайинланган бўлди. Буни қарангки, бино мустаҳкам қурилиб, узоқ вақт хизмат қилиши учун лойиҳада кўрсатилган муддатда тугаллашни шарт экан. Лекин, таассуфки, раҳбар-

Ҳушёрлик хуштагини ким чалади?

ташвиш хуштагини чаладиган вақтимиз келди. Чунки тез битказилган иморатнинг мустаҳкамлигига пугур етиши исбот талаб қилмайдиган аксиома.

Бу ёғини сўрасангиз, қалдирғочларнинг инлари ҳам авлоддан-авлодларга ўтиб, узоқ йиллар хизмат қиларкан. Бизда-чи? Бизда бир томондан қуриб, бир томондан бузиш анъанага айланиб қолмаётганими?

Мухтасар айтганда, оз қурсак ҳам соз қурайлик. Сонга эмас, сифатга эътибор берсак, кўркам ва мустаҳкам уйларда қалдирғочлардек аҳил-иноқликда умргузаронлик қилиш барчамизга насиб этади.

ларнинг кўзига яхши кўриниш учун ҳайбаркалчалчилик билан иш юритишга одатланиб қолаётгандекмиз.

Менимча, омонат қурилишларни кўриб,

Анваржон ҲАЛИМОВ,
журналист

Сирдарё вилояти



Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси вилоятдаги ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Хусусан, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож, иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Касаба уюшмалари стипендияси» таъсис этилиб, унга кўра, танлаб олинган талабаларга меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 1,75 бараварига тенг

Дахлдорлик туйғуси

стипендия тўлаб бериш йўлга қўйилмоқда.

Касаба уюшмалари аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда фаоллик кўрсатиб келаётган ёш ходимлар, болаликдан ногирон бўлган ёки етим, ижтимоий ҳимояга муҳтож 1 нафар ёш ишловчи ходимни соғломлаштириш учун белгиланган ажратилиши белгиланди.

Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови доирасида «Меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис» номинацияси ўтказилди.

«Ёшлар дафтари» кирган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларининг 50 нафари Хоразм вилоятига саёҳатга олиб борилди.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар ёшларда ватанпарварлик, юрт тараққиётига дахлдорлик туйғуларини юксалтиришга муносиб ҳисса бўлишига шубҳа йўқ.

Жамол АНДАҚУЛОВ,
Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

Касаба уюшмаси ва ёшлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 июлдаги «Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида «Намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши юзасидан қишлоқ массивларида муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш (2-босқич)» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ВМК-427-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2020 йил Дастури доирасида Фарғона вилоятида ичимлик сув тармоқларини қуриш учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади № КФР 2020-11

1. Ўзбекистон Республикаси ва Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси (кейинги ўринларда ҚАИТЖ) ўр-тасида имзоланган 1024-сонли Қарз келишувига асосан «Намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши юзасидан қишлоқ массивларида муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш (2-босқич)» лойиҳасини амалга ошириш бўйича ва Қарз маблағларидан фойдаланиш мақсадида, Лойиҳа доирасида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойларда ичимлик сув тармоқларини қуриш бўйича тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга ва ҚАИТЖ харидлар бўйича тартиб қоидалари ва тамойилларига мувофиқ ўтказилади. «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК («Буюртмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларининг қўйида келтирилган Лотлар бўйича ичимлик сув тармоқлари қурилишини амалга ошириш учун муҳрланган танлов таклифларини киритишларини таклиф этади.

Қурилиш мuddати 6 (олти) ойни ташкил этади.
А) Фарғона вилоятининг қишлоқ жойларида жами 2 донга 15м² ҳажмдаги сув иншооти (башня) қуриш ҳамда 2,353 км. ичимлик сув тармоқларини қуриш (Қурилиш мuddати 6 (олти) ойни ташкил этади).

2. Тендер савдолари ҚАИТЖ томонидан молиялаштирилган товарлар ва хизматларни харид қилиш бўйича қўлланмага ва миллий тендер савдолари шартларига мувофиқ ўтказилади ҳамда юқорида кўрсатиб ўтилган қўлланмага асосан барча иштирокчилар учун очил.

ТАКЛИФ № КФР-2020-11

Қувайт Араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида «Намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши учун қишлоқ жойларда муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш (2-босқич)» лойиҳасини доирасидаги ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН

Лот №	Туман номи	Массив номи	Сув иншооти (башня) ҳажми (м ²)	Ичимлик сув тармоғи узунлиги (км.)	Таклифларни топширишнинг охириги мuddати
Фарғона вилояти					
КФР-59	Сўх	Девайрон	1 донга 15 м ² башня	0,588	2021 йил 21 июнь, соат 11:00
		Навобод	0	0,468	
		Чашма	1 донга 15 м ² башня	1,297	

Тендер савдоларида қатнашиш истagini билдирган ташкилотлар қўшимча маълумотлар олиш учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилишлари мумкин.

Тендер савдоларида қатнашиш истagini билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

Ичимлик ва сув тармоғи узунлиги (км.)	Талаб этилган 3 йиллик ўртача айланма маблағ (сўм)	Талаб этилган молиявий ресурс миқдори (сўм)	Қурилиш малакаси ўқшаш ҳажми ва характердаги 1 шартнома (сўм)	Сўнги 3 йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м ²	Сўнги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м ³	Сўнги 3 йил давомида қуриб битказган ичимлик ва оқова сув (канализация) тармоқлари узунлиги (п.м.)
1 км.	500 000 000,0	200 000 000,0	450 000 000,0	900,0	100,0	600,0
2 км.	1 000 000 000,0	400 000 000,0	900 000 000,0	1 800,0	200,0	1 200,0
3 км.	1 500 000 000,0	600 000 000,0	1 350 000 000,0	2 700,0	300,0	1 800,0
4 км.	2 000 000 000,0	800 000 000,0	1 800 000 000,0	3 600,0	400,0	2 400,0

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 июлдаги «Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида «Намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши юзасидан қишлоқ массивларида муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш (2-босқич)» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ВМК-427-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2020 йил Дастури доирасида Фарғона вилоятида массивларга кириш ва ички йўллари қуриш учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади № КФР 2020-12

1. Ўзбекистон Республикаси ва Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси (кейинги ўринларда ҚАИТЖ) ўртасида имзоланган 1024-сонли Қарз келишувига асосан «Намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши юзасидан қишлоқ массивларида муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш (2-босқич)» лойиҳасини амалга ошириш бўйича ва Қарз маблағларидан фойдаланиш мақсадида, Лойиҳа доирасида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойларда массивларга кириш ва ички йўллари қуриш бўйича тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга ва ҚАИТЖ харидлар бўйича тартиб қоидалари ва тамойилларига мувофиқ ўтказилади. «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК («Буюртмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларининг қуйида келтирилган Лотлар бўйича массивларга кириш ва ички йўллари қурилишини амалга ошириш учун муҳрланган танлов таклифларини киритишларини таклиф қилади.

Қурилиш мuddати 7 (етти) ойни ташкил этади.

А) Фарғона вилоятининг қишлоқ жойларида жами 1,417 км. массивларга кириш ва ички йўллари қуриш (Қурилиш мuddати 7 (етти) ойни ташкил этади).

2. Тендер савдолари ҚАИТЖ томонидан молиялаштирилган товарлар ва хизматларни харид қилиш бўйича қўлланмага ва миллий тендер савдолари шартларига мувофиқ ўтказилади ҳамда юқорида кўрсатиб ўтилган қўлланмага асосан барча иштирокчилар учун очил.

3. Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларига қуйида кўрсатилган манзил бўйича иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача мурожаат қилишлари мумкин:

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ
Манзил: Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 36-уй. Телефон: (0 373) 244-68-91 Факс: (0 373) 224-68-92

Банк ҳисобрақами реквизитлари қуйида келтирилган:

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ
Банк: «Инвест финан банк» Фарғона шаҳар филиали СТИР: 202529457 Ҳ/р: 20210000203767618001

6. Барча таклифлар танлов савдолари эълон қилинган кундан бошлаб (душанбадан жумагача, соат 10:00 дан 17:00 гача) 3-бандда кўрсатилган манзил бўйича танлов савдолари ташкилотчиси га тақдим этилиши лозим. Таклифлар қуйидаги жадовалда (жадовалга қаранг) кўрсатиб ўтилган мuddатдан олдин вилоят қурилиш ҳудудий консалтинг марказлари томонидан қабул қилинади. Жадовалда кўрсатиб ўтилган мuddатдан кеч тақдим қилинган таклифлар қабул қилинмайди. Тендер таклифларини топшириш мuddати миллий байрамга тўғри келса, таклиф топшириш мuddати кейинги иш кунига узайтирилади.

7. Тендер таклифини таъминлаш тўғрисидаги декларация таклифларга илова қилиниши керак. Тендер таклифларининг очирилиши тендерда иштирок этувчи ташкилотларнинг вакиллари иштирокида қуйидаги жадовал бўйича тендер таклифлари тақдим этилишининг охириги кунда бўлиб ўтади.

Таклифлар қуйидаги манзилда очилади:

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
Манзил: Фарғона шаҳри, А.Навой кўчаси. Телефон: (0 373) 224-33-77 Факс: (0 373) 222-33-77

8. Кечиккан таклифлар рад этилади ва ёпиқ шаклда қайтарилади.

Банк ҳисобрақами реквизитлари қуйида келтирилган:

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ
Банк: «Инвест финан банк» Фарғона шаҳар филиали СТИР: 202529457 Ҳ/р: 20210000203767618001

6. Барча таклифлар танлов савдолари эълон қилинган кундан бошлаб (душанбадан жумагача, соат 10:00 дан 17:00 гача) 3-бандда кўрсатилган манзил бўйича танлов савдолари ташкилотчиси га тақ-

дим этилиши лозим. Таклифлар қуйидаги жадовалда (жадовалга қаранг) кўрсатиб ўтилган мuddатдан олдин вилоят қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ҳудудий консалтинг марказлари томонидан қабул қилинади. Жадовалда кўрсатиб ўтилган мuddатдан кеч тақдим қилинган таклифлар қабул қилинмайди. Тендер таклифларини топшириш мuddати миллий байрамга тўғри келса, таклиф топшириш мuddати кейинги иш кунига узайтирилади.

7. Тендер таклифини таъминлаш тўғрисидаги декларация таклифларга илова қилиниши керак. Тендер таклифлар-

ТАКЛИФ № КФР-2020-12

Қувайт Араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида «Намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши учун қишлоқ жойларда муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш (2-босқич)» лойиҳасини доирасидаги ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН

Лот №	Туман номи	Массив номи	Массивларга кириш ва ички йўллари узунлиги (км.)	Таклифларни топширишнинг охириги мuddати
Фарғона вилояти				
КФР-60	Сўх	Девайрон	0,487	2021 йил 21 июнь, соат 11:10
		Навобод	0,624	
		Чашма	0,306	

Тендер савдоларида қатнашиш истagini билдирган ташкилотлар қўшимча маълумотлар олиш учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилишлари мумкин.

Тендер савдоларида қатнашиш истagini билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

Массивларга кириш ва ички йўллари узунлиги (км.)	Талаб этилган 3 йиллик ўртача айланма маблағ (сўм)	Талаб этилган молиявий ресурс миқдори (сўм)	Қурилиш малакаси ўқшаш ҳажми ва характердаги 1 шартнома (сўм)	Сўнги 3 йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м ²	Сўнги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м ³	Сўнги 3 йил давомида қуриб битказган объектларининг узунлиги м ²
1 км.	800 000 000,0	300 000 000,0	700 000 000,0	900,0	200,0	2 000,0
2 км.	1 600 000 000,0	600 000 000,0	1 400 000 000,0	1 800,0	400,0	4 000,0

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 июлдаги «Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида «Намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши юзасидан қишлоқ массивларида муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш (2-босқич)» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ВМК-427-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2020 йилда Фарғона вилоятида маҳаллий оқова сув тозалаш иншоотлари ва оқова сув тармоқларини ўрнатish ҳамда қуриш учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади № КФР 2020-13

1. Ўзбекистон Республикаси ва Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси (кейинги ўринларда ҚАИТЖ) ўртасида имзоланган 1024-сонли Қарз келишувига асосан «Намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши юзасидан қишлоқ массивларида муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш (2-босқич)» лойиҳасини амалга ошириш бўйича ва Қарз маблағларидан фойдаланиш мақсадида, Лойиҳа доирасида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойларда маҳаллий оқова сув тозалаш иншоотларини (МОСТИ) ўрнатиш ва оқова сув тармоқларини қуриш бўйича тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга ва ҚАИТЖ харидлар бўйича тартиб қоидалари ва тамойилларига мувофиқ ўтказилади. «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК («Буюртмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларининг қуйида келтирилган Лот бўйича маҳаллий оқова сув тозалаш иншоотларини (МОСТИ) ўрнатиш ва оқова сув тармоқлари қурилишини амалга ошириш бўйича тендер таклифларини киритиш таклиф этади.

Қурилиш мuddати 4 (тўрт) ойни ташкил этади.

А) Фарғона вилоятининг қишлоқ жойларида жами 3 донга 10м², 20м² ва 40м² ҳажмдаги маҳаллий оқова сув тозалаш иншоотларини ўрнатиш ва 0,692 км. оқова сув (канализация) тармоқларини қуриш (Қурилиш мuddати 4 (тўрт) ойни ташкил этади).

2. Тендер савдолари ҚАИТЖ томонидан молиялаштирилган товарлар ва хизматларни харид қилиш бўйича қўлланмага ва миллий тендер савдолари шартларига мувофиқ ўтказилади ҳамда юқорида кўрсатиб ўтилган қўлланмага асосан барча иштирокчилар учун очил.

ТАКЛИФ № КФР-2020-13

Қувайт Араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида «Намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши учун қишлоқ жойларда муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш (2-босқич)» лойиҳасини доирасидаги ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН

Лот №	Туман номи	Массив номи	Маҳаллий оқова сув тозалаш иншооти (МОСТИ) ҳажми м ²	Оқова сув тармоғи (канализация) узунлиги (км.)	Қурилиш мuddати	Таклифларни топширишнинг охириги мuddати
Фарғона вилояти						
КФР-61	Сўх	Девайрон	1 донга 20 м ²	0,199	4 ой (тўрт ой)	2021 йил 21 июнь, соат 11:30
		Навобод	1 донга 40 м ²	0,298		
		Чашма	1 донга 10 м ²	0,195		

Тендер савдоларида қатнашиш истagini билдирган ташкилотлар қўшимча маълумотлар олиш учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилишлари мумкин.

Тендер савдоларида қатнашиш истagini билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

Вилоят	Лот №	Талаб этилган йиллик ўртача айланма маблағ (млн. сўм)	Талаб этилган молиявий ресурс миқдори (млн. сўм)	Қурилиш малакаси ўқшаш ҳажми ва характердаги 1 шартнома (млн. сўм)	Умумий иш малакаси (ийл)	Сўнги 3 (уч) йилда тадан кам бўлмаган маҳаллий оқова сув тозалаш иншоотларини ўрнатиш бўйича қурилиш ишларини якунланганлиги	Бажарган ер ишлари ҳажми (м ³)	Бажарган бетон ишлари ҳажми (м ³)	Охириги 3 (уч) йил давомида бир шартнома бўйича диаметри 160 дан 200 мм. гача бўлган металл бўлмаган қурувлардан канализация тармоқларини тортиш ишларини якунлаш	бир ойда камида _ _ _ п. м. миқдори	умумий узунлиги _ _ п. м. дан ортиқ
Фарғона	КФР-61	7 312,0	1 219,0	3 900,0	3	3	2000	100	500	1000	

нинг очирилиши тендерда иштирок этувчи ташкилотларнинг вакиллари иштирокида қуйидаги жадовал бўйича тендер таклифлари тақдим этилишининг охириги кунда бўлиб ўтади.

Таклифлар қуйидаги манзилда очилади:

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
Манзил: Фарғона шаҳри, А.Навой кўчаси. Телефон: (0 373) 224-33-77 Факс: (0 373) 222-33-77

8. Кечиккан таклифлар рад этилади ва ёпиқ шаклда қайтарилади.

